







# Алишер Навоий ва Шарқ Ренессанси



Симпозиум доирасидаги тадбирларнинг асосий кисми Навоий давлат университетида бўйib ўтди.

Дастлаб халқаро симпозиум доирасида университет галереясида Алишер Навоий сийоси ва ижодига багишланган кўргазма очилди. Галереяда университет ўқитувчи ва талабалари томонидан яратилган 100 дан ортиқ санъат асар-

лари намойиш этилмоқда. Буюк шоир асарларида мужассам бўлган эзгу foяларни янада чукурорк англашга хизмат қилидиган бадиий экспозиция бир ой давом этади.

Симпозиум давомида таникли олимлар, ижодкорлар навоийхонлик, адабиёт ва китобхонлик кечаларида қатнашиши.

Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида эса муслиқи бадиий-мәърифий дастур ташкил килинди. Ўнда суз мулкининг сultonни қalamiga мансуб асарлар асосида кўйланган мумтоз кўшиклар, достонлари асосида саҳналаштирилган бадиий чиқишилар иштирокчилар қалбига кўтарилини улашди.

## Сўз — симпозиум иштирокчиларига

**Абдурахман ГУЗЕЛ,**  
Анқара шаҳридаги Бошкент университети профессори,  
Алишер Навоий номидаги тадқиқотлар амалий маркази директори:

— Алишер Навоий ўн бешинчи асрда туркӣ оламни якка адабий муҳитга бирлаштирган эди. Бугунги кун вокеилигига Узбекистон Президенти бутун дунё наувишнослигини ягона маъна атрофига бирлаштириди. Бу — ҳазрат Навоий foялари билан яашашнинг олий кўриниши.

Мен ушбу халқаро анхуманинг иккичи марта тўказилганди ҳам иштирок этганман. Ўшанда олган таассуротларим самараси ўлароқ университетимиз раҳбарлари олдига Алишер Навоий номидаги

тадқиқотлар марказини ташкил қилиш таълимини кўйган ёдим. Бугун ушбу марказимизда 9 шубъа иш олиб бормоқда.

Ҳар гал Навоий шаҳрига ушбу анжуман сабаб йўл оғланимда, ўзимни буюк шоир ҳузырига бораётгандек хис этаман. Ҳаяжон, юксак масъулият ҳислари босади кишини. Дафъатан шунга муносибимисан, ҳақимисан, деган савол берасан ўзинга ўзинг.

Навоийга борар йўл шундай масъулиятли ва соадатли!



**Сайд Ризо Жалолий БАЛХИЙ,**  
Принстон университети профессори  
(АҚШ):

— Буюклар тафқурининг зиёси ҳар доим олис мозийдан нур сошиб, келажакни ёритиб туради. Алишер Навоий ижоди, бетимсол даҳоси салким оли асрки, башар ахлига йўл кўрсатиб, нечаче авлодлар унга талпинади. Инсонга хос фазилатлар сирини улуг мутафаккиринг ибрати ва ижодидан излашга эҳтиёж сезади. Бу мынавий эҳтиёж одамзоди руҳи покловчи чашмага бошлади.



Аслида инсон икки эҳтиёжни қаноатлантириш билан тири. Лекин уларнинг қай биринчи моддийликни ёки маънавийликни? Алишер Навоий ижоди ва фаолияти билан мумкаммал танишган инсон бу саволга осонгина жавоб топади.

Ҳозир дунёда улуг мутафаккир хаёти ва ижодини ўрганиш жуда кўплақ руҳлардан олиб борилмоқда. Мен Алишер Навоийнинг бетимсол асарлари, ибратли фаолияти бугун ҳам инсоният рӯబару келётган бушларни тўлдиримда, деб биламан. Салким олии аср нарида турб инсониятга тўғри йўл кўрсатиш авлиёларгагина хос фазилат.

Балхда туғилган бўлсал-да, АҚШда яшаб навоийшнослик бўйича тадқиқотлар олиб бормоқдаман. Узбек халқининг тарихи ва маданийати билан турли кўргазмалар орқали танишганман. Бу заминга океан ортидан келиб амин бўлдимки, Навоий, ҳақиқатан ҳам, зебо шаҳар, кўрганларим мөҳиятини тўлиқ очиб беради. Узбекистон раҳбарининг маҳсус қарори буюк шоир даҳосига дунё миқёсида хурмат ва эҳтиromни янада юқсалтиради.

Темур ЭШБОЕВ  
(«Халқ сўзи»).

**Бедирхан АҲМЕДЛИ,**  
Озарбайжон Миллий илмлар академияси

Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институти

Озарбайжон — Осиё адабий алоқалари бўлими

мудири:



— Алишер Навоий "Низомий панжасига панҳа уриб" озарбайжон — ўзбек адабий алоқалари асос солтан эди. Ҳалқаро анжуман бутун туркӣ халқлар адабиётти ўртасига қардошликнинг олтин кўргигини курди.

Бугун Навоийни ўрганимокчи бўлган киши Узбекистонин келиб

кўрсинг, ўзбек халқини билмоқчи бўлганлар Навоийни ўқисин, деган бўлардим. Негаки, нуслу аломатнинг барча фазилати, орзу-истиклалири бугун бу халқ ҳаётида намоён бўлаётганини дунё тан олмоқда.

Ушбу анжуманда иштирок этиб шунга амин бўлдикки, Узбекистонда Алишер Навоий сийосига берилган ёзгибор ва эҳтиром бу юртда илм ахлига ғамхўрлик ва ёшлар сиёсати, янги Ренессанснинг пойдевори кўйлаётганини кўрсатиб туриди.

**Азизулло АРОЛ,**  
навоийшунос (АҚШ):

— Мен асли Афғонистондан туғилганман, АҚШ фуқаросиман. Бугунги кунда илмий изланишларни Узбекистонда давом эттириялман. Чунки сўнгги йилларда мамлакатнинг Алишер Навоий ижоди бўйича тадқиқотлар марказига айланди. Энг муҳими, қайси юртдан келманд, бунга рабат бор.



Илмий изланишларим ва дисертациямда шунга амин бўлдимки, нафакат ўзбек (туркӣ) адабиётини, хатто дунё адабиётини ҳам бугунги кунда Алишер Навоийсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шоирнинг тили, ўзи бизниси, лекин ижоди ва даҳоси инсониятнинг мулкига айланниб улурган. Хатто давлат арбоби сифатидаги фаолияти ҳам бугунги кун вокеилигидаги ўз аҳамиятини йўқотмай ибрат мактаби бўла олади, десак, хатто эмас.

Алишер Навоийни тарихнинг мурakkab бурилиш нуқтаси, моддий эҳтиёжлар устун келиб, миллат пароқандаликка юз тутган даврда дунёга келди. Уни бирлаштириб, тўғри йўлга бошловчи Кутб юлдузи бўлди. Шарқ Ренессанснинг асосий омили шу.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## Пара велоспортчиларимиз Осиёда тенгсиз

Тайландда пара велоспортинг шоссе йўнайлида бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида Узбекистон терма жамоаси 12 та олтин, 9 та кумуш ва 5 та бронза, жами 26 та медала сазовор бўлиб, умумжамоа хисобида биринчи ўринни банд этди.



Жумладан, ушбу беллашувда Азиз Отакўяев, Маржона Пардабоева, Одина Ҳамдамова, Рухшона Єкубова, Азиза Косимова, Бунёд Ҳайитмуҳаммадов, Оғабек Ҳудойберганов ва Фотима Саипова ўз йўналишларидаги олтин медални кўлга киритди.

Турли йўналишларда баҳсларга киришган Зарифа Мўминова, Баҳодир Одинаев, Шахноза Ҳакимова, Жасур Илхомов, Маржона Пардабоева, Фотима Ҳайдарова кумуш медалга эга чиқкан бўлса, Сайджаббор Даҳдохонов, Жасур Илхомов, Бунёд Ҳайитмуҳаммадов ва Тулкин Равшонов каби пара велоспортиларимиз бронза сазовор бўлди.

## «Turkish open»: Ўзбекистон вакиллари мұваффақияти

Туркияning Антalia шаҳрида пара таэквондо бўйича "Turkish open" халқаро турнири бўлиб ўтди. "G2" таснифиға кирувчи ва Паралимпия йўйинларига рейтинг очолари тақдим этувчи ушбу мусобакада 27 та мамлакатдан 180 нафар пара таэквондо катнаши.

Мазкур беллашувда 12 нафар терма жамоамиз аъзоси иштирок этиб, якунда уларнинг 9 нафари 1 та олтин ҳамда 4 тадан кумуш ва бронза медалларини

хир Аликулов (-80 кг.) ва Асадбек Тоштемиров (+80 кг.) кумуш медаль билан тақдирланди.

Шунингдек, Карима Меликўзиева (-57 кг.), Розия Эргашева (65 кг.), Муҳаммадодик Усмонов (-63 кг.) ва Кудратулла Суннатов (-70 кг.) шоҳсупланинг фахрли учини погонасидан хой олди.

## Юртимиз полвонлари шоҳсупага кўтарилиди

Хорватияда спорт курашлари бўйича Гран-при турнири ташкил этилди. Ушбу мусобаканинг юнон-рум кураши баҳсларида Алишер Фаниев ва Айтжан Ҳалмакхон юртимиз шарафини муносиб химоя килиди.

Хусусан, ўзбекистон терма жамоаси А. Фаниев 60 кило-граммча вазнда кумуш, А. Ҳалмакхон эса 63 кило-граммча вазн тоифасида бронза медалини кўлга киритди.



## «Fujayra Open - 2025»: мусобаканинг илк кунида уч медаль

Кече БААНинг Фужайра шаҳрида таэквондо WT бўйича "G2" таснифиғадаги "Fujayra Open - 2025" мусобакасининг кепталар иштирокидаги беллашувларига старт берилди.

Эркаклар ўртасида ташкил этилган илк куни баҳсларда ўзбекистон терма жамоасининг сакзик нафар спортичси галибилик учун давнганга кўтарилиди. Унда вазни 80 кило-граммча бўлган Жасурбек Жайсунов барча рабидан устун келиб, олтин медални кўлга киритди. Шунингдек, Нажмиддин Ҳосимхожиев кумуш, Ёдгорбек Жўрабоев (74 кг.) эса бронза медалга сазовор бўлди.



«Халқ сўзи».

Буюк Британиянинг нуфузли «Hertfordshire Press» ноширик уйида истеъододли ўзбек ёзувчиси Гулчеҳрабегим Маҳмудованинг «Буюк Ипак ўйли афсоналари: замон руҳи саргузашлари» номли китоби тақдимоти ўтказилди.




## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Конунчлик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

## Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 марта Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хуруридаги рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 15 379 нусхада босилди.

Ҳажми — 2 табоб. Офсет усусида босилган. Қозғ бичими А—2. Баҳси сизилган нарҳда.



Девонхона 71-259-74-51; комибият 71-259-74-53;  
эълонлар 71-259-74-45.



Таҳририятта келган кўлдемалар тақриз қилинмайди ва музалифга қантарилмайди.

Газетанинг етказиб берилсин учун обуанинг расмийларига ташкилот жавоблар.

Газета таҳририят компанияси төридан ҳамда оператор А. Исмайлов томонидан сизифланади.

Газетанинг полиграфи жижхадид сифати чон этилишига "Шарқ" нашириёт-матбаба акциядорлик компанияси масуль.

Босхона телефони: 71-233-11-07.

"Шарқ" нашириёт-матбаба акциядорлик компанияси босхонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 00.50 1 2 3 4 5 6

## АКТ янгиликлари

### «Е-KON» ахборот тизими тандов галиби

Халқаро профессионал IT хамжамияти — "Global CIO" ташкил этган халқаро тандовда "Ўзбекнефтгаз" АЖ томонидан амалга оширилган "E-KON" лойиҳаси ёкига энергетика соҳасидаги "Ийнинг энг яхши лойиҳаси", деб э